



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIOVIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

11 (49) 2022

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
Т.А. АСКАРОВ
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
С.И. ИСМОИЛОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Б.Т. РАХИМОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com>

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал

*Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

11 (49)

2022

ноябрь



Received: 20.10.2022
Accepted: 29.10.2022
Published: 20.11.2022

УДК 616.314-089.23-053.5

БОЛАЛАРДА МОЛЯР ТИШЛАР ЙЎҚОТИЛИШИ ОҚИБАТИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ТИШ-ЖАҒ ТИЗИМИ АНОМАЛИЯ ВА ДЕФОРМАЦИЯЛАРИНИНГ БУХОРО ШАҲАР МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ОРАСИДА ТАРҚАЛИШ ДАРАЖАСИНИ ЎРГАНИШ

Алиев Х.Р., Саидов А.А.

Бухоро давлат тиббиёт институти

✓ Резюме

2020-2022 йилда Бухоро шаҳрида яшовчи 6-18 ёшли 642 нафар мактаб ўқувчилари орасида тиш-жағ тизими аномалия ва деформациялари ва улар оқибатида келиб чиққан чакка пастки жағ бўғими касалликларини тарқалганлигини аниқланди. Бухоро шаҳридаги болалар ўртасида тиш-жағ тизими аномалия ва деформациялари 57,5% тарқалиши кузатилди, шулардан 36,4% тишло аномалиялари ташиқил этди. Биз текширган 642 нафар болаларнинг 298 нафарида зарарли одатлар аниқланди, жумладан 52 нафар (8,1%) боларда оғиз орқали нафас олиш, 67 нафар (10,4%) болаларда талафузнинг ўзгариши аниқланди.

Калит сўзлар: тишло, тиш-жағ тизими аномалиялари, текшириш, деформация.

ИЗУЧЕНИЕ РАСПРОСТРАНЕННОСТИ АНОМАЛИЙ И ДЕФОРМАЦИЙ ЗУБОЧЕЛЮСТНОЙ СИСТЕМЫ, ВЫЗВАННЫХ ПОТЕРЕЙ КОРЕННЫХ ЗУБОВ, СРЕДИ ДЕТЕЙ ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА ГОРОДА БУХАРЫ

Алиев Х.Р., Саидов А.А.

Бухарский государственный медицинский институт

✓ Резюме

В 2020-2022 гг. среди 6-18-летних 642 школьников, проживающих в г. Бухаре, были определены зубочелюстные аномалии и деформации, а также распространение височно-нижнечелюстных заболеваний, вызванных ими. Зубочелюстные аномалии и деформации среди детей города Бухары наблюдались с частотой 57,5%, из которых 36,4% составляли зубочелюстные аномалии. Из 642 обследованных нами детей у 298 были выявлены вредные привычки, в том числе у 52 (8,1%) детей-нарушение дыхания через рот и у 67 (10,4%) детей-нарушение произношения.

Ключевые слова: прикус, зубочелюстные аномалии, обследование, деформация.

TO STUDY THE PREVALENCE OF ANOMALIES AND DEFORMATIONS OF THE DENTAL SYSTEM CAUSED BY THE LOSS OF MOLARS AMONG SCHOOL-AGE CHILDREN OF THE CITY OF BUKHARA

Aliev H.R., Saidov A.A.

Bukhara State Medical Institute

✓ Resume

In 2020-2022, dental anomalies and deformities, as well as the spread of temporomandibular diseases caused by them, were identified among 6-18-year-old 642 schoolchildren living in Bukhara. Dental anomalies and deformities among children of the city of Bukhara were observed with a frequency of 57.5%, of which 36.4% were dental anomalies. Of the 642 children we examined, 298 had bad habits, including 52 (8.1%) children with mouth breathing disorders and 67 (10.4%) children with pronunciation disorders.

Keywords: bite, dental anomalies, examination, deformation.

Долзарблғи

озирги вақтда стоматологик касалликлар барча касалликлар орасида етакчи ўринни эгаллайди, стоматологик ёрдам эса жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари орасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг энг катта шакли саналади. Болаларда стоматологик касалланиш даражаси ҳаётнинг кейинги йилларида сезиларли даражада индивиднинг саломатлиги ҳолатини



белгилайди, шунинг учун болаларда стоматологик касалликларнинг тарқалиши ва интенсивлиги тўғрисидаги маълумотлар объекти мутахассислар эътиборини юқори даражада ўзига жалб қилмоқда.

Тиш-жағ тизими аномалия ва деформациялари мактаб ёшидаги болалар орасида стоматологик касалликлар тарқалиши бўйича иккинчи ўринда туради. Уларни ташхислаш ва даволаш ортодонтиядаги долзарб вазифалардан бири саналади. Улар чайнаш функцияларига таъсир қилиб, нутқ бузилишлари, эстетик нуқсонларга олиб келиб, инсон салоҳиятини намоён қилишни чекланишига олиб келади, оқибатда ҳаёт сифатини сезиларли равишда пасайтиради.

Ижтимоий, экологик ва кўплаб табиий биологик омиллар болалар саломатлигига, шу жумладан стоматологик ҳолатига ҳам таъсир кўрсатади.

Дунёда болалар стоматологияси соҳасида тиббий фаолият самарадорлигини ошириш учун кенг камровли илмий тадбирлар ўтказилмоқда. Стоматология, тиббиётнинг ажралмас қисми сифатида, доимий ислохотга учрайди, бу эса беморларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини яхшилашга олиб келади. Замонавий шароитда тиш касалликларининг олдини олиш муайян ҳудудда иқлим-географик, экологик ва ижтимоий омилларни комплекс баҳолашга асосланган бўлиши керак.

Тиш-жағ тизими патологиялари эндокрин касалликларга чалинган болаларда энг кўп (62,5%) кузатилди, энг кам (44,0%) даражада вегетатив қон томир дистониясига чалинганларда кузатилган [1.3.5.7.9.11.13.15.17.19].

Шундай қилиб, умумий касалликларга эга бўлган болалар ва ўсмирларда тиш, юз-жағ соҳасидаги маҳаллий бузилишларнинг ўзаро боғлиқлиги, тиш-жағ деформацияларини ижтимоий аҳамиятга эга патология сифатида тизимлаштириш имконини беради. Тиш-жағ тизими аномалия ва деформацияларини ташхислаш, даволаш тактикаси ва олдини олишда, унинг органлари ва тизимлари шакли ва функцияси ўзаро боғлиқлиги ва боланинг ривожланаётган организмнинг яхлитлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиши керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда соматик касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш, болалар учун соғлом муҳит яратиш, шунингдек, стоматологик касалликларни даволаш ва олдини олиш борасида аҳолининг турли қатламлари ўртасида амалий ишлар амалга оширилмоқда. Юқорида айтиб ўтилганларнинг барчаси, мақсадли эпидемиологик тадқиқотлар зарурлигини белгилаб беради. Шунингдек, мактаб ёшидаги вақтинчалик, алмашинув ва доимий тишлов давридаги болаларда тиш-жағ тизими аномалия ва деформацияларини даволашнинг турли усуллари самарадорлигини аниқлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Илмий тадқиқот мақсади:

Тиш-жағ тизими аномалия ва деформациялари ва улар оқибатида келиб чиққан чакка пастки жағ бўғими касалликларини тарқалганлигини ўрганиш.

Материал ва усуллар

Биз 2020-2022 йилда Бухоро шаҳрида жойлашган № 2, 4, 7, 16-мактабларнинг 6-18 ёшли 642 нафар ўқувчилар орасида стоматологик текширишлар ўтказдик. Текширилган ўқувчиларнинг 346 нафари қизлар ва 296 нафари эса йигит болалар ташкил этди. Барча текширилганлар тишловнинг шаклланиш давларига қараб ёш гуруҳлари шакллантирилди. 1-гуруҳ - тишловнинг эртаалмашинув даври (6-9 ёш) 168 нафар болалар (йигитлар 80 ва қизлар 88 нафар); 2-гуруҳ - тишловнинг кечки алмашинув даври (10-13 ёш) 305 нафар болалар (йигитлар 142 ва қизлар 163 нафар); 3-гуруҳ доимий тишлов даври (14-18 ёш) 169 нафар болалар (йигитлар 91 ва қизлар 78 нафар) (жадвал-1).


Клиник текшириш сўраб-суриштириш вақтида анамнез йиғилиб, маҳаллий ва умумий организм касалликлари бор-йўқлигига, таъм сезиш ҳолати, оғизда нохуш таъм сезиши, сўлак ажралишига ҳам эътибор бердик. Тишларни текшириш давомида унинг ранги, ҳажми, жойлашиши, ёрилган ва синган тишлар мавжудлиги, сезгирлигини ортиши ёки камайиши, қимирлашига эътибор бердик. Оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималарининг кўрикдан ўтказиш кетма-кетликда тиш ва тиш қаторлари, тишлов, пародонт ҳолати кўрилди, тиш пломбалари, тиш протезлари мавжудлиги ва уларни ҳолатига эътибор бердик. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, лаб ва пародонт тўқимасини кўздан кечиришда милкнинг қонаши, қичишиши ва ачишиши, лаб хошиясида афта, яраларни мавжудлиги кўздан кечирилди. Чакка пастки жағ бўғими ҳолати

пайпаслаш, аускультация ва рентгенологик текширишлар билан баҳоланди [2.4.6.8.10.12.14.16.18].

Бундан ташқари тиш-жағ тизими аномалия ва деформациялари бор болаларни текширишда этиологик омилларни (зарарли одатлар, кариес ва унинг асоратлари, сут тишлар дўмбоқчаларининг едирилмаслиги, сут ва доимий тишларни эрта йўқотилиши, сут тишлари тушишининг кечикиши, болаларда ўз вақтида протезланмаслиги) аниқлашга эътиборимизни қаратдик. Юқоридаги этиологик омилларни ўз вақтида аниқлаб, профилактик чора тадбирлар ўтказилса тиш-жағ тизими аномалия ва деформацияларни олди олинади.

Жадвал 1.

Тишловнинг шаклланиш даврига қараб ёш гуруҳлари (ўғил ва қизлар, нафар)



Зарарли одатларни Окушко классификацияси бўйича ўргандик. Текширилган 642 нафар болаларнинг 298 нафарида зарарли одатлар аниқланди, жумладан 52 нафар (8,1%) болаларда оғиз орқали нафас олиш, 67 нафар (10,4%) болаларда талафузнинг ўзгариши кузатилди. Зарарли одатлар кўпроқ 1 гуруҳ 6-9 ёшли болаларда аниқланди (жадвал 2).

Болаларда тишларнинг ҳолат, ҳажм ва миқдор аномалияларини тарқалиши маълумотлари 3-жадвалда келтирилган. Аномалиялар орасида тишлар транспозицияси 97 нафар, иккламчи адентия 65 нафар, диастема 58 нафар ва қозик тишлар дистопияси 37 нафар болаларда аниқланди. Иккламчи адентия энг кўп 3-гуруҳ (14-18 ёш) 41 нафар (6,3%) болаларда, диастема эса 2-гуруҳ (10-13 ёш) 22 нафар (3,4%) болаларда аниқланди. Иккламчи адентия оқибатида 41 нафар болаларда антогонистларнинг тиш-алвеолар узайиши аниқланди [21.23.25.27.29.31.32].

Жадвал 2.

6-18 ёшли болаларда зарарли одатларнинг тарқалганлиги

Ёши, йил	Оғиздан нафас олиш			Инфантил ютиниш			Чайновнинг бузилиши			Ўджисмларни тишлаш			Бармоқни ёки тилни сўриш			Талафузнинг ўзгариши			Дарс жараёнида ва уйда қўлни иякга қўйиш		
	Ж а м и	Улар дан		ж а м и	Улар дан		Ж а м и	Улар Дан		Ж а м и	Улар дан		Ж а м и	Улар дан		Ж а м и	Улар дан		ж а м и	Улар Дан	
		Ў	Қ		Ў	Қ		Ў	Қ		Ў	Қ		Ў	Қ		Ў	Қ		Ў	Қ
6-9	28	15	13	18	10	8	52	26	26	21	12	9	21	12	9	23	13	10	12	7	5
10-13	14	8	6	12	7	5	25	13	12	11	6	5	14	7	7	25	15	10	7	3	4
14-18	10	5	5	8	5	3	14	8	6	4	2	2	5	3	2	19	8	11	3	2	1
Жами	52	28	24	38	22	16	91	47	44	36	20	16	40	22	18	67	36	31	22	12	10

Ў-ўғил болалар; Қ-қиз болалар

Болаларда тишларнинг ҳолат, ҳажм, миқдор аномалияларининг тарқалиши

Тишлар аномалияси	6-9 ёш	10-13 ёш	14-18 ёш	Жами
Диастема	17	22	19	58
Трема	22	26	23	71
Транспозиция	24	30	43	97
Тортоаномалия	16	23	22	61
Макродентия	7	8	10	25
Микродентия	6	9	11	26
Бирламчи адентия	2	5	20	27
Иккиламчи адентия	6	18	41	65
Сут тишларинг эрта олиниши	5	11	-	16
Тиш ёйининг торайиши	7	8	12	27
Қозиқ тишлар дистопияси	-	18	19	37
Ортиқча тишлар	2	6	5	13
Марказнинг ўзгариши	4	18	20	42
Инфраокклюзия	1	8	8	17
Супраокклюзия	3	6	7	16
Травма	4	7	13	24
Тиш-алвеолярузайиш	6	13	22	41
Жами:	132	235	296	663

Болалар орасида аномал тишловдан энг кўп прогнатик тишлов 63 нафар (9,8%), кесишган тишлов 39 нафар (6,1%) аниқланди. Аномал тишловларни болалар орасида тарқалиши 4-жадвалда келтирилган.

Текширилган болаларнинг маълум бир қисмида тиш қаторлари ва тишлов аномалиялари бирга ёки бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ тишлов аномалиялари кузатилди ва бу болаларда зарарли одатлар кўп аниқланди.

Тишлов аномалиялари бўлган 234 нафар болаларнинг 104 нафарида (44,4%) чакка пастки жағ бўғимида патологик ўзгаришлар борлиги аниқланди [22.24.26.28.30.31.32].

Прогения ва кесишган тишловли 21 нафардан болаларда чакка пастки жағ бўғимида патологик ўзгаришлар кўп учради (жадвал 5).

Алмашинув ва доимий тишлов давридаги болаларда аномал тишловларни ривожланишининг тарқалиши

Ёш, йил	Прогнатия			Прогения			Кесишган			Чуқур			Очиқ		
	ж а м и	Улар Дан		ж а м и	улар дан		ж а м и	Улар дан		ж а м и	Улар дан		ж а м и	улар дан	
		Ў	Қ		Ў	Қ		Ў	Қ		Ў	Қ		Ў	Қ
10-13	26	14	12	23	13	10	19	10	9	23	11	12	18	9	9
14-18	37	18	19	21	10	11	20	11	9	28	14	14	19	11	8
Жами	63	32	31	44	23	21	39	21	18	51	25	26	37	20	17

Тишлов аномалиялари туфайли чакка-пастки жағ бўғимида патологик ўзгаришлар бор болалар

Ёш, йил	Прогнатия			Прогения			Кесишган			Чуқур			Очиқ		
	ж а м и	Улар Дан		ж а м и	улар дан		ж а м и	Улар дан		ж а м и	Улар дан		ж а м и	Улар дан	
		Ў	Қ		Ў	Қ		Ў	Қ		Ў	Қ		Ў	Қ
10-13	8	4	4	11	6	5	12	7	5	5	2	3	2	2	-
14-18	13	7	6	21	12	9	21	11	10	7	4	3	4	2	2
Жами	21	11	10	32	18	14	33	18	15	12	6	6	6	4	2

Текширилган болалар оғиз бўшлиғи қаттиқ ва юмшоқ тўқималари ҳолатига қараб терапевт-стоматолог, хирург-стоматологга ва бурундан нафас олиши бузилган болалар ЛОР врачига санация учун юборилди. Тиш-жағ аномалия ва деформациялари бор болаларда ортодонтик даволаш олиб борилмаётган контингентдаги болалар ота-оналарига ортодонтик даволаш-профилактик тадбирлар тушинтирилди.

Хулоса

1. Бухоро шаҳридаги болалар ўртасида тиш-жағ тизими аномалия ва деформациялари 57,5% тарқалиши кузатилди, шулардан 36,4% тишлов аномалиялари ташкил этди.
2. Биз текширган 642 нафар болаларнинг 298 нафарида зарарли одатлар аниқланди, жумладан 52 нафар (8,1%) боларда оғиз орқали нафас олиш, 67 нафар (10,4%) болаларда талафузнинг ўзгариши аниқланди. Зарарли одатлар кўпроқ 1-гуруҳ 6-9 ёшли болаларда аниқланди.
3. Тиш-жағ тизими аномалия ва деформациялари оқибатида 16,1% болалар чакка пастки жағ бўғимида ўзгаришлар келиб чиққанлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алиев З.У. Региональные особенности распространенности зубочелюстно-лицевых аномалий у детей //Вестник проблем биологии и медицины. – 2012. – Т. 2, № 2. – С. 237–240.
2. Saidov A.A. Assessment of some indicators of oral liquid in children with the pathology of the temporomandibular joint //Asian Journal of Multidimensional Research , Indiya, 2020.Vol 9, Issue 1, january. – P. 59-63. Impact Faktor= 6.8
3. Saidov A.A. Hygienic condition of the oral cavity during orthodontic treatment of children with temporomandibular joint dysfunction //The Pharma Innovation Journal. Indiya, 2020. - № 9(6). - P. 589-591. Impact Faktor= 5.98
4. Gaffarov S.A., Saidov A.A. The importance of matrix metalloproteases in the pathology of the temporomandibular joint in children //International Journal on Integrated Education, Indonesia, 2020. Volume 3, Issue V, May. - P. 65-68. Impact Faktor= 5.083
5. Saidov A.A., Olimov S.Sh., Gaffarov S.A., Akhmadaliev N.N. The value of matrix metalloproteases and connective tissue markers in the pathology of temp-jaw joint in children //Journal of critical reviews, 2020. Vol 7, – P. 44-49.
6. Gaffarov S.A., Saidov A.A., Yakubova F.Kh. An integrated approach to the diagnosis and treatment of a dysfunction of the temporomandibular joint in children and adolescents //Journal of critical reviews, 2020.Vol 7, Issue 17. – P. 77-85
7. Gaffarov S.A., Saidov A.A., Bulycheva E.A. Clinical characteristics of the dentition in young men, the role of metalloproteinases and connective tissue markers in the development of temporomandibular joint pathology and their correction //Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems , 2020. Volume 12,07-special issue, ISSN: 1943-023X.- P. 2111-2119.
8. Saidov A.A. Hygienic condition of the oral cavity during orthodontic treatment of children with temporomandibular joint dysfunction //The Pharma Innovation Journal. Indiya, 2020. - № 9(6). - P. 589-591. Impact Faktor= 5.98.
9. Gaffarov S.A., Saidov A.A. The importance of matrix metalloproteases in the pathology of the temporomandibular joint in children //International Journal on Integrated Education, Indonesia, 2020. Volume 3, Issue V, May. - P. 65-68. Impact Faktor= 5.083
10. Saidov A.A., Olimov S.Sh., Gaffarov S.A., Akhmadaliev N.N. The value of matrix metalloproteases and connective tissue markers in the pathology of temp-jaw joint in children //Journal of critical reviews, 2020. Vol 7, – P. 44-49.
11. Gaffarov S.A., Saidov A.A., Yakubova F.Kh. An integrated approach to the diagnosis and treatment of a dysfunction of the temporomandibular joint in children and adolescents //Journal of critical reviews, 2020.Vol 7, Issue 17. – P. 77-85
12. Gaffarov S.A., Saidov A.A., Bulycheva E.A. Clinical characteristics of the dentition in young men, the role of metalloproteinases and connective tissue markers in the development of temporomandibular joint pathology and their correction //Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems , 2020. Volume 12,07-special issue, ISSN: 1943-023X.- P. 2111-2119.
13. Эронов Ю.К., Анализ для определения особенностей лошлы-ющенко-краснагорского у детей церебральной перспективы с характеристиками штаммового состава //Новый день в медицине 2(30)2020 267-269 <https://cutt.ly/PvstDrh>
14. Эронов Ю.К., Раджабов А.А. Оценка распространенности кариеса у детей с ДЦП //Новый день

в медицине 2(30)2020 625-626 <https://cutt.ly/KvPlZlc>

15. Eronov Y.Q., Mirsalixova F.L. Treatment of chronic catarrhal gingivitis in children with disabilities improvement //World Bulletin of Social Sciences. – 2021. – Т. 3. – №. 10. – С. 71-74.
16. Eronov Y.Q., Mirsalixova F.L. Diagnosis, prophylaxis and treatment of chronic catarrhal gingivitis in children with disabilities improvement //World Bulletin of Social Sciences. – 2021. – Т. 3. – №. 10. – С. 67-70.
17. Eronov Y.Q., Mirsalixova F.L. Dynamics of the prevalence of diabetes and the study of dental status in children of the bukhara region //International Journal of Applied Research. – 2019. – Т. 5. – С. 151.
18. Eronov Y.K., Mirsalikhova F.L. Indications for the comprehensive prevention and treatment of dental caries in children with cerebral palsy //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 5705-5713.
19. Eronov Y.Q., Kamalova M.Q. Evaluation of caries prevalence in children with cerebral palsy //Academica: an international multidisciplinary research journal. – 2020. – Т. 10. – С. 85-87.
20. Эронов Ё., Мирсалихова Ф. Имконияти чекланган болаларда суринкали катарал гингивитларни замонавий даволаш усуллари //Медицина и инновации. – 2021. – Т. 1. – №. 4. – С. 681-685.
21. Mirsalikhova F.L., Eronov Y.K., Radjabov A.A. Prevention and treatment of caries in children with cerebral palsy //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2019. – Т. 9. – №. 12. – С. 68-70.
22. Мирсалихова Ф.Л. Минимально инвазивный метод лечения кариеса зубов у детей //Стоматология детского возраста и профилактика. – 2018. – Т. 17. – №. 1. – С. 28-30.
23. Мирсалихова Ф.Л. Отсроченное пломбирование при кариесе постоянных зубов у детей с несформированными корнями //Клиническая стоматология. – 2018. – №. 1. – С. 4-7.
24. Мирсалихова Ф.Л. Минимально щадящий подход к лечению кариеса зубов у детей //Актуальные вопросы стоматологии. – 2017. – С. 238-241.
25. Mirsalikhova F.L. Efficiency of the micropreparation method in treatment of children caries //Scientific researches for development future: medicine and natural science San Francisco, USA 15may. – 2018.
26. Mirsalikhova F.L. The importance of biophysical properties and mineralizing function of salives in children during cutting of constant teeth period //International Conference Science, Research, development Philology, Sociology and culturologyBerlin30-31.05. – 2018.
27. Lukmonovna M.F. Upgraded approach and methods of use of modern theory comprehensive prevention programs dental caries in children //European science review. – 2016. – №. 9-10. – С. 110-112.
28. Мирсалихова Ф.Л. Особенности биофизических свойств и минерализующей функции слюны у детей в период прорезывания постоянных зубов //Клиническая стоматология. – 2016. – №. 4. – С. 4-6.
29. Mirsalikhova F.L. Indications for the Comprehensive Prevention and Treatment of Dental Caries in Children with Cerebral Palsy Eronov Yo. K //Annals of RSCB. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 5705-5713.
30. Мирсалихова Ф., Хамидов И. Характеристика микробиоценоза мягких тканей пародонта у школьников //Stomatologiya. – 2019. – Т. 1. – №. 4 (77). – С. 40-42.
31. Mirsalikhova F.L. et al. Implementation of Comprehensive Prevention of Dental Caries in Children with Cerebral Palsy //International Journal of Human Computing Studies. – Т. 2. – №. 6. – С. 22-24.
32. Мирсалихова Ф. Современные методы диагностики кариеса зубов у детей //Stomatologiya. – 2016. – Т. 1. – №. 4 (65). – С. 115-121.

Қабул қилинган сана 20.10.2022

